

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент архитектура – қурилиш институти

Қўлёзма асосида

Матчонов Баходир Гаиббаевич

XVIII – XX АСРЛАР ХИВА МЕЪМОРЧИЛИГИ

**Йўналиш: 5А 580102 – «Архитектура тарихи ва назарияси,
архитектура ёдгорликларини тиклаш»**

ДИССЕРТАЦИЯ

Архитектура магистри даражасини олиш учун

**Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.**

Илмий раҳбар доц. Рейимбаев Ш.

№ _____ 2012й.

**«Архитектура тарихи ва
назарияси» кафедраси мудири
_____проф. О.М.Салимов.**

Тошкент 2012 й.

XVIII – XX АСРЛАР ХИВА МЕЪМОРЧИЛИГИ

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
I-боб. Қадимги ва ўрта асрлар меъморчиликка умумий тавсиф.	11
1.1. Қадимги ва энг илк ўрта VI-VIII асрларгача бўлган давр.....	11
1.2. Илк ўрта асрлар IX-XIII асрлардан - XIV-XV асрларгача бўлган давр.....	24
1.3. Сўнги ўрта асрлардан XVI асрдан XVII асргача бўлган давр...	33
I-боб бўйича хулоса.....	39
II-боб. XVIII асрнинг 1чи ўн йиллиги - XIX асрнинг 6чи ўн йиллиги.....	40
2.1. XVIII асрнинг 1чи ўн йиллиги-XVIII асрнинг 4чи ўн йиллиги	40
2.2. XVIII асрнинг 5чи ўн йиллиги-XIX асрнинг 6чи ўн йиллиги. .	48
2.3. Хива шаҳрининг тузилиши.....	64
II-боб бўйича хулоса.....	72
III-боб. XIX асрнинг 7чи ўн йиллиги-XX асрнинг 2чи ўн йилли	74
3.1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигида сиёсий аҳвол.....	74
3.2. Хива хонлигида фан ва маданият ривожланиши.....	79
3.3. Хива хонлиги меъморчилиги анъаналари.....	87
3.4. Мустақиллик йиллари архитектураси.....	109
III-боб бўйича хулоса.....	112
Умумий хулоса.....	115
Адабиётлар рўйхати.....	120
Фото, чизма ва тасвир нусхалари	

Аннотация

“XVIII-XX асрлар Хива меъморчилиги” магистрлик диссертациясига

“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси тингловчиси Матчонов Баходир Гаиббаевич томонидан бажарилган.

Мақсадга кўра қуйидаги вазифалар қўйилди:

Хива шаҳри архитектуравий-тархӣй тизимининг ривожланишни очиб бериш, тарихий ёдгорликларидаги меъморчилик анъаналарини ўрганиш, шаҳарсозлик анъаналаримизга оид қадриятларимиз мавқеини кўтариш, мақолалар чоп этиш.

Тадқиқотнинг услубияти архив, график материалларни ўрганиш, картографик ва ёзма манбаларни таҳлил қилиш ҳамда Хива шаҳрида бевосита кузатув олиб бориш, амалий текширувлар натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, шу муаммога бағишланган адабий манбаъларни ўрганиш, архив, график манбаларни таҳлил қилиш, бевосита кузатув ишларини олиб бориш ва фотографик маълумотлар тўплаш.

Тадқиқот предмети. Ҳажми ва чегаралари. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим ҳудудлари, Хива меъморий ёдгорликлари- қалъалари, арklar, улар таркибидаги саройлар, кўшклар.

Ишнинг янгилиги. Хива шаҳридаги Ичан қалъа обидаларни типологик ечимлари ва меъморчилик анъаналарини аниқлаш.

Ишнинг амалий ва назарий қиймати. Хива шаҳарсозлиги, меъморий обидалар таҳлили натижасида уларнинг типологик ечимларини аниқлаш ва кенг оммага етказиш.

Ҳимоя предмети. Хива меъморий обидаларнинг ривожланиш жараёнлари, Хива ёдгорликларнинг типологик ечимлари, камчиликлари ва асосий меъморий жиҳатлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ҳимоя қилинади.

*Амударёнинг қуйи оқимида икки буюк
сахро- Қорақум ва Қизилқум ўртасида
жойлашган саҳоватли Хоразм юрти
-Марказий Осиёнинг энг қадимий тари-
хий-маданий минтакалардан бири бўл-
са, Хива шаҳри – унинг дурдонасидир.
Ислом Каримов.*

Сўз боши

Хоразм минг йилликлар тарихга эга шаҳар. Хива минтақасида, афтидан, милoddан аввалги I минг йиллик ўрталаридан, шаҳар манзилгоҳлари бўлган, деҳкончилик маданияти юзага кела бошлаган. Археологик қазилмалар жараёнида Ичан қалъа ҳудудида турли даврларга оид бир нечта маданий қатлам аниқланди. Археологлар, шунингдек, илк шаҳар бинолари изларини, сопол идишлар ва бошқа нарсаларни топишди. Булар ушбу ҳудудда одамлар қачон яшаганлигини аниқлаш имконини беради. Хусусан, Ичан қалъанинг энг қуйи қатлаmidан топилган нарсалар милoddан аввалги V асрга оид деб белгиланди. Бу – 2500 йил деганидир.

Ислом келишидан олдин Хоразмда «Қутайба» Хоразм ёзув маданияти мавжуд бўлган. Ислом келиши 710-712 йилларда янги маданият, дин айниқса меъморчиликда янгидан – янги иморатлар пайдо бўлди, шаҳарларда роботли деворлар қурилди.

Ўрта асрларда IX-XII асрда Хоразм гуллаб яшнади нафақат ҳарбий салоҳияти томондан бу даврда илм-фан ривожланди, «Маъмун Академияси» қурилди ва Хоразм маданий марказга айланди. Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар академиянинг энг олди оимлари бўлган.

Ўзбекистоннинг манументал (маҳобатли) архитектураси IX-XII асрларда ўрта асрлар маданий иншоотларнинг типологияси (масжид, минора, мадраса, мақбара) ва жамоат меъморчиликда (сарой, қарвон

сарой, бозорлар) ўз аксини топган. Маҳобатли иншооталарда гумбазлар алоҳида ўрин тутди, интерьер фазовийлик ечими силуетини аниқлайди. Бино олдининг кириш қисми пештоқ ва бурчаклари гулдасталар билан ажратилган. Турар жой биноларида ва масжид галереясида нақшинкор ўйма устунлар қўлланилинган. Минораларнинг турли шакллари пайдо бўлган.

Мўғуллар XIII асрнинг 2 ун йиллигида Ўрта Осиёни босиб оладилар ва бутун шаҳарларни вайрон қиладилар. Маданий ривожланиш чекинади. Шаҳарлар ўзини тиклаши учун юз йиллар керак бўлди.

XVI-XVII асрларда меъморчиликда янги усуллар, шакллар пайдо бўла бошлади. Обидалар ажойиб безак ва нақшлар билан пардозланди.

XVIII асрда нафақат Хива хонлигида балки бутун Ўрта Осиё иқтисодий инқирозга учради, бунга сабаб мамлакат ичида урушлар, касалликлар кўпайди. Европаликлар савдо-сотиқни сув орқали қилишди.

XVIII аср охирига келиб Хива хонлигини қўнғирот иноқлари ҳукуматни бошқаришади ва шу даврдан бошлаб ҳаёт изига тушади. Оллоқулихон даврида илм фан маданият, меъморчилик ривожланади. Шаҳарсозликда катта ишлар қилинди, йирик архитектура иншоотлари қурилди.

XIX аср охири - XX аср бошларида ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II даврида Хива ҳар томонлама ривожланди. Улуғвор бинолар, ҳашаматли саройлар, осмон ўпар миноралар қурилди, илм фан ривожланди. Ичан қалъа кўркига кўрк қўшилиб мадраса масжидлар қурилди.

Бугунги кунда Ичан қалъа шаҳри XIX асрда қандай кўринишда бўлган бўлса, бизгача бутунлигича етиб келган. Ичан қалъа ҳудуди тахминан 400х600м яъни 26 га ни ташкил этади, девори узунлиги 2200 м, ва унда 4та дарвоза мавжуд бўлиб: шимолий – Боғча дарвоза, жанубий – Тош дарвоза, ғарбий – Ота дарвоза ва шарқий – Полвон дарвоза.

Афсуски, ўтмиш қадриятлари халқнинг бебаҳо маданий мерослари муносиб қадрланмади. Аммо тарихий шаҳарларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқали илмий асарлар ёритилган.

Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг жаҳонгашта янгиликлари билан бир қаторда ўзи туғилиб ўсган Хоразм қадимги шаҳарлари: Кат, Филқалъа, Кўҳна Урганч ва бошқалар тўғрисида қимматли маълумотлар келтириб ўтган. Хусусан, тарихчиларимиз эсдаликларида ёзиб қолдирган маълумотларга аниқлик киритган.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида шаҳар аҳли-инсонларнинг ахлоқий-маънавий жиҳатлари тўғрисида фикр юритади, фозил шаҳарларга жоҳил шаҳарларни қарама-қарши қўйган ҳолда хулосалар чиқаради.

С.П.Толстов қадимги Хоразм худудида археологик экспедициялар уюштириб, Хоразм шаҳарсозлиги тарихида аввал маълум бўлмаган тарихий маълумотларни аниқлаган.

Я.Ғуломов "Катта Хоразм" давлатининг пайдо бўлишидан то 1950 йилларгача бўлган сунъий суғориш тармоқларининг вужудга келиши ва унинг тараққий этишини давлатнинг сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиёти билан боғлаган ҳолда ўрганган. Хива шаҳри ёдгорликларига тегишли илмий асосга эга бўлган дастлабки маълумотларни берган.

П.П.Иванов Хива хонлиги архиви манбаларига асосланиб, Хива шаҳри ва Хива хонлигига қарашли бўлган барча шаҳар ва қишлоқларнинг маданияти, уларнинг тарихи тўғрисидаги қимматли маълумотларни кенг оммага етказган. Жумладан, XIX аср охири - XX аср бошларида Хива атрофидаги 147та яшаш манзилгоҳлари бўлганлиги тўғрисида, улардаги масжидқавмлар, масжидқавм номлари ва аҳоли сони тўғрисида маълумотлар берган.

М.Мамбетуллаев кўп йиллик археологик тадқиқотлари натижасида Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлиши, маданияти ва тарихий қатламлари тўғрисида янги қимматли маълумотларни аниқлаган.

В.Пилявский Қадимги Хоразмнинг пойтахти Кўҳна Урганч шаҳри тарихи, шаҳарда барпо қилинган бинолар: Тўрабекхоним, Такаш, Фахриддин Рози, Нажмиддин Кубро, Урганч минораси архитектураларини ўрганган. У шаҳардаги Оқ қалъа (Оқ сарой) ва Тош қалъалар меъморлиги ва уларнинг шаҳарсозликда тутган ўрнини ёритиб берган. Ундан ташқари Кўҳна Урганч яқинидаги Миздакхон қалъаси (ҳозирги Хўжаэли шаҳарида) меъморчилиги тўғрисидаги тарихий маълумотларни таҳлил қилган.

А.Ю.Якубовский ҳам Кўҳна Урганч шаҳри тарихи, архитектураси, меъморий ёдгорликлари, Миздакхон қалъаси архитектурасини ва унинг ёдгорликларини ўрганган.

И.Жабборов ўз асарларида оммабоп тарзда Хоразм шаҳарларининг, уларнинг пайдо бўлиши, тарихи ҳақида ва бу шаҳарларни бир-бири билан таққослаб, қимматли қиёсий материаллар келтирган.

Г.А.Пугаченкова ўз умрини санъатшунослик илмига бағишлаган. Олиманинг Л.И.Ремпел билан ҳаммуаллифликда ёзган «История искусств Узбекистана», «Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана» ва бошқа асарлари архитектура ва санъатшунослик фанларида жуда катта ўрин тутди. У Хоразм қадимги шаҳарларининг, хусусан Жомбос қалъа, Анқа қалъа, Тупроқ қалъа, Қўйқирилган қалъа шаҳарларининг архитектураси, деворий суратлари бўйича қизиқарли тадқиқотлар олиб борган.

И.И.Ноткин Хива обидалари архитектурасини кенг доирада ёритишга муваффақ бўлган. У шаҳарнинг дарвозалари, сарой, сарой-боғлари, масжиду-мадрасалари, карвонсаройу-бозорлари, минораю-мақбараларининг ўзига хосликларини, композицион жиҳатларини очиб берган. Ундан ташқари Кўҳна Урганчнинг тарихий ёдгорликлари,

шаҳарсозлигининг ривожланиши тўғрисида тадқиқотлар ўтказган. Унинг докторлик диссертацияси Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг архитектуравий-фазовий шаклланиши масалаларига бағишланган.

В.А.Булатова Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларини ўрганиш қаторида Хоразм шаҳарларининг ривожланишини ҳам ўрганган. У Хоразм шаҳарларини мил.ав. 1-минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлганлигини эътироф этади. Амударё қуйи оқимидаги Қадимги Хоразм шаҳарларининг тарихий топографияларига оид археологик материалларга асосланган ҳолда шаҳарлар тарихини ёритиб берган. У Хоразм шаҳарларининг ривожланиш жараёнини даврийлаштирган. Шаҳарлар маданиятини талқин этган.

Л.Ю.Маньковская Хоразм шаҳарларидаги тарихий обидалар: саройлар, сарой-боғлар, масжидлар, мадрасалар, дарвозалар, мақбаралар ва турар-уйларнинг архитектураси, қурилиш материаллари, улар архитектураларининг шаклланиши, шаҳарлар миноралари, нақшинкор устунлари, гумбазлари, ўймакорлик ва сиркор безакларни таҳлил қилган. Мажмуаларнинг шаҳарсозликда тутган ўрни, фазовий-композицион жиҳатларини ўрганган. Унинг яратган асарлари қаторида В.А.Булатова билан ҳаммуаллифликда «Памятники зодчества Хорезма» асарида Хоразм меъморлиги санъатининг ўзига хос жабҳаларини ёритилган.

П.Ш.Зоҳидов меъморчилик оламида Ўрта Осиё меъморлиги билан бир қаторда Хоразм меъморлигини тадқиқ қилишга ҳам катта ҳисса қўшган. У шаҳарлар ва меъморий ёдгорликларнинг ҳандасавий мутаносибликларини, нақшларининг тузилиши ва бошқа мураккаб томонларини тадқиқ қилган. Айниқса унинг "Меъмор олами" номли қомусий асарида меъморчиликка оид иборалар, обидалар, усталар тўғрисида ноёб маълумотлар тўпланган, баъзи кўпгина жумбоқли масалаларга ойдинлик киритилган.

Ш.Ж.Асқаров Хива шаҳридаги кўчалар, минораларнинг шаҳар ориентациясида тутган ўрни тўғрисида тадқиқотлар олиб борган ва

бинолардаги суперграфика, хусусан Тошховли деворларидаги нақшларнинг суперграфикаси тўғрисида ўз фикрларини баён этган.

Т.Ф. Қодирова Хоразм шаҳарсозлигининг замонавий жиҳатларини, хусусан яқин ўтмиш давридаги ва мустақилликка эришилганидан кейинги даврнинг шаҳарсозлик тизимини таҳлил қилган. Ўзбекистон шаҳарлари қаторида Хива шаҳри шаҳарсозлигининг ривожланишини, унинг функционал тизимини бошқа шаҳарларнинг ривожланиши билан таққослаган. Хива турар жойлари тўғрисида ҳам тадқиқотлар олиб борган.

А.Абдурасулов Хива шаҳрининг пайдо бўлиши, шаҳар тарихи, унинг ҳаёти, сув таъминоти, XIX аср охири-XX аср бошларидаги ижтимоий-маданий ҳаёти, ички ва ташқи савдоларини ўрганган. Унинг маълумотлари Хиванинг меъморий, шаҳарсозлик муҳитини тўла ёритиш учун жуда қимматли манбадир.

М.Матниёзов Хоразм тарихи, шаҳарларнинг вужудга келиши, маданий ҳаёти, шаҳарларнинг тузилиши ва ривожланиши, деҳқончилигини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этган.

М.Қ.Аҳмедов Ўрта Осиё архитектурасига, жумладан, Хоразм архитектурасига мансуб Хоразмнинг энг қадимги Кўзали қир, Қалъали қир, Қўй қирилган қалъа шаҳарларининг пайдо бўлиши, уларнинг меъморчилиги, шаҳарсозлигига тегишли қимматли маълумотлар беради. Милоддан аввалги IV-III асрларда пайдо бўлган бу шаҳарларни «Авесто»да қайд этилган «Вара» типдаги муқаддас шаҳарлардан бўлганлигини таъкидлаган.

А.С.Ўролов Хоразм архитектура ёдгорликлари, уларнинг ҳандасавий мутаносибликлари, нақшларидаги уйғунлик, уларни ишлашдаги ҳандасавий усуллар, буларнинг шаҳарсозликка таъсири, хусусан, Тупроқ қалъа шаҳрининг геометрик мутаносиблиги тўғрисида фикр юритади. Хоразм меъморчилигидаги биноларнинг аҳамиятини очиб берган.

О.М.Салимов Хива шаҳридаги маданий - меъморий ёдгорликларни сақлаш, асраб авайлаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш борасида илмий тадқиқот ва амалий ишлар олиб борган.

Х.Ш.Пўлатов Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг ривожланишини, унинг функционал тизимини ёритиб берган. Шу билан бир қаторда Хивадаги Нуриллабой саройи ва Исломхўжа мадрасасини таҳлил қилган.

Ш.С.Рейимбаев Хоразм шаҳарларининг шаклланишидаги асосий босқичларни ўрганган, шаҳарларнинг фарқли бўлган жиҳатларини аниқлаган ва тарихий, сиёсий-иқтисодий, жуғрофий яхлитлигини асослаб берган.

Мустақиллик шарофати туфайли ва ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан маданий меросимиз қайтадан тикланди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Шаҳрисабз, Хива каби тарихий шаҳарлар ҳозирги кунда янгидан чирой очиб дунё аҳлини лол қолдирмоқда.

Диссертациянинг мақсади:

Хива шаҳрининг тарихий ҳудудларидаги шаҳарсозлик тарихини (қалъа деворлари, маҳаллалари ҳолати, ҳозирги пайтгача сақланиб келган меъморий ёдгорликларини) ўрганиш, меъморчилик анъаналарини очиб бериш.

Мақсадга кўра қуйидаги вазифалар қўйилди:

Хива шаҳри архитектуравий-тархӣй тизимининг ривожланишни очиб бериш, тарихий ёдгорликларидаги меъморчилик анъаналарини ўрганиш, шаҳарсозлик анъаналаримизга оид қадриятларимиз мавқеини кўтариш, мақолалар чоп этиш.

Тадқиқотнинг услубияти архив, график материалларни ўрганиш, картографик ва ёзма манбаларни таҳлил қилиш ҳамда Хива шаҳрида бевосита кузатув олиб бориш, амалий текширувлар натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, шу муаммога бағишланган адабий

манбаъларни ўрганиш, архив, график манбаъларни таҳлил қилиш, бевосита кузатув ишларини олиб бориш ва фотографик маълумотлар тўплаш.

Тадқиқот предмети. Ҳажми ва чегаралари. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим ҳудудлари, Хива меъморий ёдгорликлари- қалъалари, арklar, улар таркибидаги саройлар, кўшклар.

Ишнинг янгилиги. Хива шаҳридаги Ичан қалъа обидаларни типологик ечимлари ва меъморчилик анъаналарини аниқлаш.

Ишнинг амалий ва назарий қиймати. Хива шаҳарсозлиги, меъморий обидалар таҳлили натижасида уларнинг типологик ечимларини аниқлаш ва кенг оммага етказиш.

Ҳимоя предмети. Хива меъморий обидаларнинг ривожланиш жараёнлари, Хива ёдгорликларнинг типологик ечимлари, камчиликлари ва асосий меъморий жиҳатлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ҳимоя қилинади.

I-БОБ. ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР, МЕЪМОРЧИЛИККА УМУМИЙ ТАВСИФ

1.1. Қадимги ва энг илк ўрта VI-VIII асрларгача бўлган давр

Хива шаҳри Ўрта Осиёда сақланиб қолган бирдан-бир шаҳар ёдгорлик, унинг ўтмишдаги тақдири ва меъморчилик обидалари Ўзбекистоннинг шимолидаги энг қадимги маданий тараққиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Қадимги Хоразм маданий тараққиёти янги тош асри-неолит давридан бошланган деб тахмин этилади (милоддан олд. VII-III минг йиллик бошлари). Жуда қадим замонлардан каналлар қазилиб, суғориш ишларининг авж олдирилиши натижасида маданият гуллаб яшнаган кулдорчилик шаҳарлари бунёд бўлди.

Жумладан Абу Райхон Бериунининг хабарига кўра, Қадимги Хоразм марказлашган давлат бўлиб, у ўз давлати тилига, ҳамда йил ҳисобига эга бўлган, Искандар Зулқарнайн (ёки Макдуний милоддан олдинги IV аср) бошчилигидаги грек-македония аскарлари бостириб келишганда маҳаллий тақвим ҳисоби билан X аср бўлган¹.

Милоддан олдинги VI асрда Ўрта Осиёни Эроннинг Аҳомонийлар хонадонидан бўлмиш шоҳ Кирнинг қўшинлари босиб олиши ўша давр Эрон ва Ўрта Осиё маданий тараққиётида умумий жабҳаларда олға сурилган шаҳар қурилиш масалалари пироварида ҳар бурчагида минора ва дорвозалар билан қуршаб олинган тўғри бурчак шаклидаги кудратли шаҳар қалъалар тикланишига олиб келди².

Буларнинг ичида энг мукаммал ўрганилгани ва яхши сақланиб қолгани Султонувайс тоғ этакларидаги тепаликларда жойлашган Жонбоз қалъа харобалари ҳисобланади (милоддан олдинги IV-I асрлар).

¹Бериуний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент., 1996.

² Аҳмедов. М. Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент., 1995.

Бу шаҳар қалъа 200x170 м ўлчамдаги тўрт бурчакни ташкил этиб, географик томонларга нисбатан анчагина тўғри жойлаштирилган, Деворлари икки қаватли бўлиб, остқи қисми 1м, 30см қалинликдаги пахсадан ва юқорилари ингичкароқ этиб 40x40x10см ли хом ғишдан бунёд этилган, лой орасига сомон қипиғи қўшилган. Деворда ҳар 1,2 м да икки қатор найзасимон тиргоҳ – отадиган тешиқлар мавжуд, бурчакдаги тиргоҳлар қия жойлашган. Тоғдан топилган соқолли эркак қиёфасидаги тош устун қоши (капител) бўлаги минтақадаги пластик санъатнинг Қадимги Шарқ санъатидаги кўп шаклли персонажлар, жумладан, қадимги Миср сфинкслари ва аҳомонийларнинг одам-ҳўкизларини эслатадиган энг қадимий намуналаридандир.

Хоразм ҳудудида турли даврларда археологик тадқиқотлар олиб борилган, ҳар хил экспедициялар уюштирилган. Археологик экспедицияларга бошчилик қилган С.П.Толстов аввал номаълум бўлган кўп нарсаларни аниқлаган. У илмий муомалага "Катта Хоразм" иборасини киритиб унинг вужудга келишини мил. ав. VII-VI асрлар, деб ҳисоблаган. Тадқиқотчининг таъбири бўйича Заротуштра ватани Хоразмдир. Хоразм «Авесто»да «Арянэм-Вайчах» дейилган. Авестода ўз аксини топган Заротуштра таълимоти Катта Хоразм сарҳадларида вужудга келиб, кейин атрофдаги мамлакатларга ҳам ёйилган¹.


Страбон ва Диадорлардан кейинги манбаларда бу маълумотларда мил. ав. VII-IV асрларда массагетларнинг катта конфедерацияси мавжуд бўлганлиги ҳақида гапирилади, унга 5 та элат кирган ва мил. ав. VI асрлар ўрталарида улар бир қанча қисмларга бўлинганлиги таъкидланган. Хоразмийлар ҳам ўша иттифоққа кирган қадимги элатлардан бири бўлганлиги ва бу иттифоқ «Катта Хоразм» деб аталган давлат бирлашмасидир, деб тахмин қилади.

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент., 1964.

М.Матниёзов. Яхёё Гуломов номидаги археология институти олимларининг тадқиқотлари натижасида Ҳазораспдаги Хунбуз тепадан топилган чилтора мусиқа асбоби ва хумдоннинг ёшени 2700-2800 йил деб белгилаб, Ҳазорасп қалъаси мил. ав. VII асрларга мансублигини исботлаган.

Аҳомонийлар даврида мил. олд.558-330 йилларда Хоразм қудратли шаҳар бўлгани маълум.

Антик даврга келиб Хоразмда квадрат, тўғри бурчакли, доирасимон шаҳарлар пайдо бўлган. Бунга мисол: Қўй қирқилган қалъа, Жонбоз қалъа, Тўпроқ қалъа каби янги-янги шаҳарлар бунёд бўлди.




Қўй қирқилган қалъа, мил. ав. IV аср.



Жомбос қалъа, I – IV асрлар.

Рыбаков Б. А. Древности наших государств Кавказа и Средней Азии. М.: 1985.





Милоддан олдинги I асрнинг охирларида ҳокимият Кушан шоҳлари қўлига ўтади. Ҳоятда серқирра маданиятга эга бўлган бу давлат меъморчилиги ва тасвирий санъат намуналарини Антик Хоразмнинг биринчи пойтахти, Амударёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа тумани ҳудудида жойлашган Тупроққалъа (милоддан аввалги I аср-милоднинг IV асрлари) оид машҳур обидалардан маълум.

Бу кўҳна шаҳар ҳозирги Беруний туманида жойлашган бўлиб, у тўғри бурчакли шаклда 500x350 м., яъни 17,5 га. майдонда жойлашган. Қалъа икки қаторли паҳса девор билан ўраб олинган. Унда тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Шимоли-ғарбий қисмида сарой жойлашган. Шаҳарнинг ўртасидан ўтган кўча уни икки йирик қисмларга ажратади. Археологик тадқиқотлар натижасида бу ерда бир қанча катта–кичик уйлар топилган. Бу хоналарни топилган ашёларга қараб номлаганлар. Масалан, «Подшо зали», «Аскар зали», «Ғалаба зали», «Буғулар зали» ва бошқалар. Шаҳар

милодий III асрда бунёд этилиб, Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлган¹.

Тупроққалъа ўзининг режаси, деворлари ва ундаги шинаклар, бу ердаги хоналарнинг қурилиши ва мудофаа системаси антик даврдаги катта шаҳарларга ўхшаб кетади. Лекин у, айниқса ўзининг ажойиб монументал санъати борлиги билан алоҳида ўрин тутади. Кўринишда тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта қолипда қуйилган хом ғиштлардан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб мурабба шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимоли-ғарбида эни ҳам бўйи ҳам 80 метр келадиган икки қават қилиб солинган ҳашаматли сарой харобалари кўзга ташланиб туради. Саройнинг 3 та буржи бўлиб, бу буржларнинг баландлиги 25 метрга етади. Шаҳарнинг жанубида бош дарвозаси бўлиб, у Хоразмда ҳозир ҳам учрайдиган катта уй (ҳовли)ларнинг дарвозаларига ўхшайди, дарвозадан ичкарига кирилган заҳоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади, шу уйдан марказий кўча бошланади. Ўн метр кенгликдаги бу кўча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб тақалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган кўча бозорга олиб чиқади. Бош кўчанинг ҳар томонида бири-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади².

Тупроққалъа мунтазам тарҳга эга. Жаҳон шаҳарсозлиги тарихидан шу нарса маълумки, асрлар давомида шаклланиб келган шаҳарлар тарҳи номунтазам кўринишга, аксинча бир вақтда бунёд этилган шаҳарлар мунтазам кўринишга эга бўлган. Бу мунтазамлик кўп ҳолларда маълум ўлчов бирлиги асосида вужудга келган. Масалан, Авестодаги «вара»ни

¹Бутаков А.И. Несколько страниц из истории Хивы. // ТВ.: №28. 1871.

²Жабборов И. Кўхна харобалар сири. Тошкент., 1961.

бунёд этилишида «от чопими» бирлиги қўлланилган¹. Қадимги Иккидарё оралиғининг Борсиппа шаҳрида, тахминан 59 метрга тенг бўлган. «ашлу»-арқон бирлиги ишлатилган. Қадимги Хитойда эса "Чжоули" қўлланмасида шаҳарларни режалашда чорак «ли»-125 метр бирлигини қўллаш тавсия этилган². Тупроққалъанинг ҳандасавий тузилиши кузатилганда ўлчамларнинг ўзаро боғланганлигини сезиш мумкин. Шаҳардаги ўлчамларни ўзаро солиштириш (баъзи) хулосаларни чиқариш имкониятини беради:

-шаҳар жанубидаги кўндаланг кетган ўртадаги кўча шимолда жойлашган мураббани-квадратни ажратиб туради;

-қалъанинг асосий шакли томонлари олтин кесмада бўлган тўртбурчакка яқин;

-юқорида айтилган мураббанинг жануби-шарқдан шимоли-ғарбга кетган диагонали бўйлаб яна учта кетма-кет мураббалар келади: ибодатхонани ўз ичига олган мурабба, саройнинг ўртасидаги пастакроқ ҳажмнинг асосидаги мурабба ҳамда саройнинг шимоли-ғарбидаги баланд ҳажмининг асосидаги мурабба;

-асосий кўча маҳаллотнинг ўртасидан ўтади;

-кўндалангига кетган ўнта кичик кўчалар маҳаллотни тенг ўн иккита қисмларга ажратади;

-саройнинг уч баланд ҳажмлари ўзаро тенг бўлиб, ўртадаги пастқамроқ ҳажм билан ягона модуль асосида қурилган.

Тупроққалъада булардан бошқа ҳандасавий мутаносибликлар ҳам бўлиши муқаррар

Илк ўрта аср даврида Хоразм шаҳарларининг тенгги йўқ дабдабали

¹Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М., 1950.

²Саваленская Т.Ф. История градостроительного искусства. М., 1984.

резиденцияси бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга кўра IV асрга келиб ташландикқа айланиб бўшаб қолади, шаҳардаги ҳаёт эса VI асргача давом этади.

Монументал ҳайкалтарошликка хос бетакрор мутоносиблик, терракота ҳайкалчалар ва ажойиб бўртма нақш, деворга ишланган ажойиб нақшлар, серҳашам декоратив санъат асарлари қадимги Хоразм маданияти бунёдкорлари бадиий маҳоратининг мустақиллигидан, кучи ва образли тафаккури етуклигидан далолат берувчи ғоят ўзига хос ва яхлит мажмуадир. Хўжалик фаолиятидаги ва манъавий ҳаётдаги, архитектура ва санъатдаги этник маданий анъаналар асрлар оша буюк синовлардан ўтиб, ўрта асрларда ва янги даврда улкан роль ўйнади. Антик даврнинг қимматли ёдгорликлари ўрта асрлардаги ва ҳозирги Хоразм юксак маданиятининг ибтидоси бўлиб, унинг анъаналарини ҳозирги Хиванинг истеъдодли усталари, адабиёт ва санъат арбоблари давом эттирмоқдалар.

Милодий III-IV асрлар Ўрта Осиёда қулдорлик тузумининг таназзулга юз тутиши билан характерланади. Натижада маълум бир вақтга келиб аввалги ҳукми асосида марказлашган шаҳар ҳокимияти ўз таъсирини йўқотиб нуфузли деҳқонлар атрофига умумий меҳнат асосида бирлашган кадиварлар уюшмалари юзага келади. Бу эса ўз навбатида феодал муносабатларнинг юзага келишига асос бўлади

Бунинг натижасида бу даврдаги шаҳарлар қурилишида аввалги даврлардагига нисбатан ўзгаришлар содир бўлади. Натижада Ўрта Осиё меъморчилигида янги социал ҳаёт юзага чиқарган бино-феодал кўшклари барпо бўлди.¹

Феодал кўшкларининг қадимги харобалари бутун Ўрта Осиё ҳудудида тупроқ-тепаликлар сифатида учрайди. Улар атрофи ҳандақ билан ўраб олинган, кўпинча тўғри тўрт бурчак шаклидаги кўринишга эга.

¹История Узб.ССР.Тошкент.,1974..

Уларни синчиклаб ўрганилганида археологик жиҳатдан ўша даврдаги ҳаёт тарзига мос равишда қурилганлигини аниқлаш мумкин. Чунки бу каби феодал кўшклари бирон нуфузли феодал оиласининг яшаши ҳамда мудофааланишига мослашганлиги малъум бўлади. Шунинг учун бу қасрлар мустаҳкамроқ мудофаа иншоотини ташкил этиб, алоҳида сув билан таъминлаш мажмуасига ва захира озиқ-овқат жамлаш имкониятига эга бўлган.

Одатда бундай қалъалар атрофида йириқ мулк эгасининг ер-мулки ва унинг кадиварлари жойлашган. Шундай қилиб ҳар бир феодал маълум бир мавзени эгаллаган ва ўз нуфузига эга бўлган

Илк ўрта V-VIII асрларда Хоразм шаҳарлари маданиятининг ривожланишини Бургут қалъа воҳаси мисолида кўриш мумкин. Бу воҳа кўрғонларини ўрганиш натижасида Хива атрофидаги ҳовлилардан иборат қишлоқ манзилгоҳлари деҳқон аҳолисининг кўпчилик бўлиб яшайдиган оилалардан иборат жамоаси структурасининг (тузилиши) ўзига хослигини аниқлаш мумкин.

Хоразм қишлоқ манзилгоҳлари ва турар-жойларини (I-XVIII асрлар) ўрганиш натижасида хиваликларнинг замонавий меъморчилиги ва бинокорлик техникасининг теран илдизларини ҳам аниқлаш мумкин бўлди. Масалан, тураржойни режалаштиришнинг VI-VIII асрларда кенг тарқалган икки туридан ҳозирги Хивада ҳам фойдаланилади. Қишлоқ тураржойларини режалаштиришнинг деярли икки минг йиллик давр мобайнида бу қадар барқарор сақланиб қолиши оила шакллариининг, кўп кишилиқ оила жамоаларнинг эволюциясини ва маҳаллий аҳоли этногенетик жараёнларининг бошқа жиҳатларини тадқиқ қилиш учун имкон беради.

Марказий Осиёдаги бошқа кўпгина шаҳарларга нисбатан Хиванинг тарихий ўтмиши яқин вақтларгача дурустроқ ўрганилмаган эди. Бунинг сабаби, аввало, XVI асргача бўлган ёзма манбаларда Хива тарихига оид

маълумотлар жуда оз ва қисқа эди, иккинчидан, бу ерда археология қазилмалари камдан-кам ўтказилган.

Академик Я. Ғ. Ғуломов сопол қолдиқларга асосланиб, Хива милoddан аввалги III-II асрлардан олдин пайдо бўлганини таъқидлаган эди¹. В. В. Бартольд ҳам Кат шаҳри каби Хивага ҳам мусулмончилик кириб келишидан аввал асос солинганини қайд этганди².

Хивалик тарихчи Худойберди бин Аваз Муҳаммад (1773 йилда туғилган) келтирган қизиқарли афсона Хиванинг жуда қадимийлигидан далолат беради. У “Дили ғаройиб” асарида бундай деб ёзади: “Хоразмнинг яна бир шаҳри Рамлдир. Унга Сом бин Нуҳ асос солган, ҳозир уни Хейвак деб атайдилар. Унинг аввалги номи Рамл, бу қумлоқ демакдир”.

Хулоса шуки, Хиванинг вужудга келиши вақтини аниқлашда археология тадқиқотлари энг муҳим мезондир. 1980 йилларнинг охирларида Ичан қалъа меъморий ёдгорликларини таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш муносабати билан мутахассислар бир қатор ўралар кавлаб, қимматли сопол ашёлар топишга муваффақ бўлдилар. Бу топилмаларни ўрганган М. Мамбетуллаев у ердан қадимги Хоразм даври ҳақида гувоҳлик берувчи, милoddан аввалги IV-III асрларга хос бўлган сопол идиш парчаларини топди. Шу олимнинг ўзи Ичан қалъа шаҳар деворларини бир неча бор кўздан кечириб, бу девор антик Хоразмга хос бўлган 40-43х40-43х9-13см ҳажмдаги хом ғиштдан кўтарилганини аниқлади³.

Бундан ташқари Хиванинг ёшини аниқлаш, унинг тарихи ва археологиясини даврларга ажратиш соҳасида 1984-1990 йилларда археолог М.Мамбетуллаев томонидан олти ерда қатламларни аниқлаб берувчи қазишма ўтказилди ва ўралар кавланди.

¹Ғуломов Я. Археология тарих фани хизматида. Тошкент., 1976.

²Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. М., Наука, 1965.

³Мамбетуллаев М, Ягодин В.Н. К оценке хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы.// ОНУ. – 1986.

Биринчи қазилма Қўхна Аркнинг шимоли-ғарбий бурчагида, Оқшихбобо харобалари турган баланд сунъий супа этагида 557 кв.м. майдонда ўтказилди. Ўнта қурилиш даври (қуйидан юқорига қараб) аниқланди.

Биринчи даврда қалъа деворининг қолдиқлари ва маҳаллий ўчоқ излари кузатилди. Қалъа деворининг 30 метри текшириб чиқилди. 0,35-1,37 метр баландликдаги девор сақланган. Девор бевосита йириқ қум устига қурилган. Пастқи қисми қалинроқ ва қияроқ пасха бўлиб, ўртаси қум ва йириқ хом ғишт бўлаклари билан тўлдирилган. Унинг устига кўпчилигига тамға босилган 40-42х41-44х9-13 см ҳажмли хом ғишт, орасига 2-8 см қалинликда лой солиб, икки қатор қилиб терилган. Деворлар орасида 2 м кенгликда йўлак ҳосил қилинган. Қўхна Хоразм истеҳкомларида деворлар оралиғида гумбазли йўлаklar Бозорқалъа (милоддан аввалги VI-V асрлар), Кичик Қирққизда, Бўрлиқалъада (милоддан аввалги IV- милоднинг II асри), Қўрғошинқалъада учратилди. Милоддан аввалги IV асрда қурилган Қўйқирилган қалъада, жумладан, минораларнинг пастки, мерганлар турадиган жойларига ўтиш йўлаклари томи гумбазсимон қилиб ёпилган. Шу даврларга туташ маданий қатламларнинг қолдиқлари таркибида дастгоҳда ясалган қизил сопол бўлаклари жуда кўп.

Иккинчи давр мудофаа истеҳкомлари кучайтирилган-Ичан қалъа деворлари таъмирланиб, яна 39-41х40-42х9-11 см ли хом ғиштлар терилган. Қопламанинг қалинлиги-0,75-1,80см. У аввалги деворнинг юқори сатҳидан бошлаб, остқи пахсадан 82-100см баландликдан бошланган. Мерганлар йўлаги ва минора ички бинолари атрофи ҳам хом ғишдан ясалган. Натижада Ичан қалъа деворининг қалинлиги 7,5-9 метрга етди. Қолдиқлари 2,55-3 м баландликда сақланиб қолган, 4,7м узунликда тозалаб очилган майдондаги хом ғиштли деворлар учинчи даврга мансуб. Деворнинг нураган жойларини чопиб ташлаб, 34-36х35-39х3-5см ҳажмли

хом ғиштан 1,1 м қалинлықдаги девор тикланган. Унинг сирти бироз сопол ушоқлари, ҳайвон ва балиқ суяқлари аралаш йирик қум билан сувалган.

Учинчи давр деворлари устига солинган 23-52 см қалинлықдаги юмшоқ маданий қатлам тўртинчи даврни ташкил қилади. У қалъа деворлари ташқарисига чиқиб турибди ва таркибида IX-X асрлар сополлари учрайди. Қалъа девори қиррасидаги қатлам тўртинчи қурилиш даврида мудофаа иншоотлари бўлмаганидан дарак беради.

Бешинчи даврда 23-25х23-27х3-5 см ли кичик ҳажмли хом ва пишиқ ғиштлардан тикланган девор бўлаклари кўзга ташланади. Деворнинг қалинлиги 1,5-2,5 м, баландлиги 37-38см. Терилган ғиштлар оралиғи тупроқ билан тўлдирилган. Унда XII-XIII асрларга мансуб сопол парчалари, ҳайвон ва балиқ суяқлари, шиша буюм синиқлари, сопол қувур бўлаклари топилди. Шунини айтиш керакки, кўп ҳолларда шу даврга мансуб қазишма ашёлари аралаш қатламлардан чиқди. Қазишма стратиграфиясига қараганда, бу даврда истехком деворларини таъмирлаш ишлари Кўҳна Арк атрофида ўтказилган.

Олтинчи давр ташландиқ қатлам билан боғлиқ. Қалъа деворлари ўрқачида туйниқсимон лаҳадлардаги мусулмонча гўрларлар пайдо бўлди, уларнинг ён деворларига бир неча қатор (22-24х23-25х3-4,5 см) хом ғишт терилган. 1-дахма икки тарафга қиялатиб ёпилган; 3-дахма қобирғаси билан терилган хом ғишт (22-23х22х3-4 см) билан ёпилган. Марҳум ёғоч тобутга солиб дафн этилган гўр ҳам топилди. Деярли барча мурдалар чалқанчасига ёки ўнг биқинига ётқизилиб, юзи қиблага қаратиб кўмилган. Дахмалар устидаги тупроқ таркибида XII-XIV асрларга оид сопол синиқлари бор.

Еттинчи даврда дахма томини ёпиб турган пахсанинг 0,52-0,72 м баландликдаги, 1,1-1,4 м қалинлықдаги қолдиқлари сақланган. Бу девор ҳозирги Ичан қалъа деворининг ташқи ғарб томонидан, ёнма-ён қурилган.

Деворнинг нураган қатламида XIII-XIV асрларга мансуб сопл парчалари ва мис тангалар топилди. Қазишмада 2,1х6х3-4,5 м ҳажмли 6 та хона ва ҳовли саҳни очилди. Уларнинг 22-43 см баландликдаги пасха деворлари сақланган. 4 ва 5 хоналар хитойча канлар тарзидаги ички истиш тизимига эга бўлиб, пишиқ ғишдан терилган II шаклидаги супалар мавжуд. 5 хонанинг юқори қатламларида XIII асрнинг иккинчи ярмига хос чиғатойча мис танга ва XIV асрда Хоразмда зарб қилинган номсиз мис танга топилди. Қазилган жойнинг жануби-шарқий бурчагида кулоллар хумдони қолдиқлари сақланган.

Саккизинчи давр икки хона деворларининг қолдиқлари ва сув кудуғидан иборат. Хона деворлари 27-28х25-29х4-5 см ли пишиқ ғишдан тикланган. Сақланиб қолган баландлиги -37 см, қалинлиги -72 см. Қудук чўзиқ доира шаклида бўлиб, юқори қисми 24-28х25-30х3-5 см ли пишиқ ғиш билан ўралган.

Тўққизинчи давр қуйи қатламдан 1,1-1,2 м қалинликда тош ташлаб мустаҳкамланган қатлам билан ажратилиб туради. Унда тўртта хона ва кенг ҳовли саҳни аниқланган. Тош ташлаб мустаҳкамланган қатлам тепаси аралаш-қуралаш қилиб ёпилган.

Қазишма стратиграфияси маълумотларига кўра, бу даврда Ичан қалъа деворлари пахсадан ва 36-40х22-26х6-7 см ли хом ғишдан қайта тикланган. Деворлар тўғридан ва ён томондан ўқ отишга мослашган буржлар билан мустаҳкамланган.

Ўнинчи давр. Унинг деворлари 7-9 м баландликда чўзиқ доира шаклидаги миноралар билан мустаҳкамланган, қалъа деворлари каби бу миноралар ҳам данданали. Ичан қалъа деворлари икки томондан 1,5-2 м қалинликдаги пахсадан тикланган. Орасига гувала тўлдирилган ва ёғоч ходалар билан мустаҳкамланган, кўп жойларда шу ходаларнинг ўрни тешик бўлиб қолган.

Шу тариқа, ўтказилган археологик тадқиқотлар туфайли Ичан қалъанинг остки тупроқ қатламидан то ҳозирги сатҳигача бўлган нисбий ва мутлақ хронологиясини аниқлашга муваффақ бўлинди¹.

Ушбу маълумотлар ёзма манбалар билан бирга таҳлил этилса, илм-фанда биринчи марта Хиванинг шаҳар пайдо бўлган вақтдан бошлаб шу кунгача бўлган тарихий-археологик даврларини ойдинлаштириш мумкин бўлади.

Хоразм, хусусан Хива илм-фан ҳақидаги ишончли маълумотлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Беруний “Ало-сорул боқиянилу курунил ҳолия ” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) асарида қадимги хоразмликлар ҳайъат илми-астрономияни араблардан яхшироқ билганликлари ва фанни “ахтарвеник” –“юлдузшунослик” деб атаганликлари ҳақида хабар беради. Бу маълумотларни археологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқламоқда. Чунончи, Тупроққалъа саройини қозиш пайтида милодий III-IV асрларга оид лойдан ясалган астрономик асбоблар топилди. Бу эса ўша даврларда Хоразмда муҳим астрономик кузатувлар олиб борилганидан далолат беради. Ҳатто, Қўйқирқилган қалъа расадхона бўлганлигини М.С. Булатов тахмин қилади.

Хоразмдан чиққан, бутун мусулмон оламининг энг машҳур олими, аллома Ал-Хоразмий таҳминан 783 йилда Хоразмда, Хива яқинидаги Рамл қишлоғида туғилган.

Ал-Хоразмий қаламига йигирмадан зиёд илмий асар мансуб. Шундан “Китоб-ал мухтасари фи ҳисоб ал жабр вал-муқобала” китобида келтирган тўртбурчак шакли унинг диагоналлари ва томонлари орасидаги боғланишларни акс этдирадиги, меъморчилик учун ғоят зарур нарсадир, “Зиж фи илм ал-фалак” каби асарлари жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан таъсир кўрсатди.

¹Мамбетуллаев М.М. Раскопки оборонительных сооружений Хивы.//ВКФ АН РУз. № 4. 1992.

1.2. Илк ўрта асрлар IX-XIII асрлардан ўрта XIV-XV асрларгача бўлган давр

VIII-IX асрлардаги мусулмон ёзма манбаларида Хива ҳақида маълумотлар йўқлиги 709 йилда Қутайба бин Муслимнинг Хоразмга юриши вақтида у вайрон бўлганлиги билан боғлиқ бўлса, эҳтимол. Шу юриш давомида шаҳарнинг ўзи ва Хоразмнинг маданият ёдгорликлари шафқатсизларча вайрон қилинган эди.

Улар янги дин исломни тарғиб қилиш баҳонаси билан бутун Ўрта Осиё ерларини босиб олдилар, ва халифалигини ташкил этдилар VIII асрнинг иккинчи ярмида халифаликка тобе мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларнинг ривожланиши умумий иқтисодий юксалишга ва шаҳар қурилишларнинг ривожланишига олиб келди. Шу билан бирга ислом динининг тарқалиши минтақа санъати ва ҳунармандчилиги ривожини ўзгартириб юборди. Санъатнинг янги мафкура эҳтиёж сезмаган тасвирий шакллари йўқолиш даражасига тушди, қадимий ибодатхона ва саройлар бузиб ташланди, улар билан бирга, исломгача бўлган маҳобатли ҳайкалторошлик ва деворий рассомлик ҳам инқирозга учради.

Шу билан бир қаторда янги маданият орқали меъморчиликда янги шакллар: гумбазли, тоқли, равоқли иморатлар тикланди, шаҳарсозликда роботли деворлар қурилди. Бундан ташқари биноларнинг ҳажми катталашуви, ҳамда узок вақт хизмат қилишлиги, ёғоч танқислиги, пахса лой ишлари оғирлиги боис янги қурилиш ашёлари изланди. Бу қурилиш ашёлари ичида ҳар тарафлама қулай бўлган текис мурабба ғишт, олдинига ҳом ғишт сўнгра пшиқ ғишт танланди, маҳобатли иморатлар қурилишида IX-X асрдан бошлаб қўлланилган. Ғишт ўлчами ўрта асрларда томонлари 21-28 см, қалинлиги 3.5см-6 см ни ташкил этган.

Хоразмда тош танқислиги боис, қурилишда кам фойдаланилган, фақат жамоат биноларида цокол гидроизоляциясида, ёғоч устун асосига, пойгоҳларда, зиналарда, ҳовузларда ишлатилган.

Катта хоналар томини ёғочсиз ёпиш масаласини Ўрта Осиё меъморлари гумбаз шаклида ечишган, бу шакл инсонларни биринчи яшаш мақонлари ғорларни эслатса, кейинчалик кўчманчи халқлар қора уйларида намоён бўлган. Хоразмдаги қора уйлар тўғрисида араб сайёҳи Ибн Фатлан илк бора “кубба” яъни гумбаз сўзини қўллаган¹.

XI-XII асрларда воҳа сарҳадларида қалъалар жадал қурилганлиги археологик жиҳатдан қайд этилган. Бироқ янги шаҳарлар майдони катта бўлмаган. Шундай бўлсада, археологларнинг сўнгги тадқиқотларидан маълум бўлишича, бу қалъалар атрофида камида 1-1,5 километр кенгликда анча зич ҳовли-жойлар қурилган, улар алебастр ва сирли кошин билан безатилган. Хива шаҳри атрофида ҳам шундай ҳовли-жойлар бўлган. Бу ерда катта-катта карвонсаройлар ва бошқа иншоотлар барпо этилгани ҳам хоразмшоҳлар даврида шаҳарлар ривожланганидан далолат беради .

X асрда Истахрийнинг ёзишича, Хива Ҳазараспдан ва қадимий Хоразм пойтахти Катдан бир кунлик йўлда ва ўша пайтнинг пойтахт шаҳри бўлган Гурганждан тўрт кунлик йўлда жойлашган. Жанубий Хоразм ерлари кўпдан-кўп ариқлар ва каналлардан суғориларди, уларнинг энг каттаси Хива (бўлажак Полвонёб) номи билан аталган.

Мақдисийнинг сўзларига қараганда (975 й), “ Хива чўлнинг чеккасида жойлашган бу катта шаҳар девор билан ўраб олинган, дарёдан қазилган катта ариқ орқали суғорилади, унда кўркем Жоме масжиди бор”.

Номсиз муаллифнинг географияга оид “Худуд ал-олам” баённомасида (X аср) ёзилишича, “Хива девор билан ўралган ва Урганчга бўйсунувчи кичик шаҳардир” . Иккита ёзма манбадаги бундай зиддиятни изоҳлаган Г.А. Пугаченкованинг шарҳига кўра, Мақдисий бутун Хивани, яъни Ичан қалъа билан Дишан қалъани назарда тутган бўлса, “Худуд ал-олам” муаллифи фақат Ичан қалъани назарда тутган².

¹Ибн Фадлан. Путешествие на Волгу. Перев. акад. И.Ю. Крачковского.М.,1939.

²Пугаченкова Г.А. Термез Шахриябз Хива. Л., 1976.

Хуллас, X асрнинг иккинчи ярмида Хива арк, девор билан ўралган шаҳристон (Ичан қалъа) ва кенг рабод (Дишан қалъа)дан иборат бўлган.

X аср охирига келиб Хоразм халифаликдан ажралиб чиққан қудратли давлатга айланди. Хоразм шоҳи Маъмун (990-1017 йй.) даврида пойтахт Урганч шаҳри (ҳозирги Туркменистондаги Кўхна Урганч) маданият ва фан марказига айланди. «Маъмун академияси»да оламга донғи кетган қомусий олимлар Беруний билан Ибн Сино фаолият кўрсатдилар. Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида иморатсозликка оид маълумотларни берса Абу Райҳон Беруний “Қонуни Маъсуд” асарида масжидларга қибла томонни топишга оид тавсиялар келтирган.

XI-XII асрларда айниқса меъморчиликда катта ютуқларга эришилган. Салжуқийлар кўчманчи архитектурадан манументал архитектурага ўтади. Улар пшиқ гиштдан қароргоҳлар, қаршисаройлар, қасрлар, арклар қуришган. Салжуқийлар салтанатига киритилган шаҳарлар юқори даражада ривожланган, ҳаттоки бу шаҳарлар Европа шаҳарларидан ободончилиги буйича олдин турган. Бу даврдаги йирик шаҳарлар атрофи Дорун (ички) ва Берун (ташқи) деворлари билан ўралган.

Салжуқийлар дунё цивилизациясига учта конструкция беришган булар: учли ровоқ бунинг роман аркасидан афзаллиги катта масофани ёпиш мумкин, иккинчиси қовурғали гумбаз бунга мисол Султон Санжар мақбараси, охирги конструкция бу арбутан бунинг афзаллиги шундаки иморатни оғирлигини ўзига олиб пастга берувчи конструкция, ва бу услубларни Европаликлар ўзлаштириб олганлар ва ундан сўнг готика услубининг бошланишига сабаб бўлган.

Хоразм XIII асрнинг 20 йилларидаги мўғуллар босқинига қадар империя даражасига кўтарилди. Сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, бой савдо шаҳарлари ўзининг осойишта даврини яшаб бўлиб, мўғуллар томонидан ер билан яксон этилган, гуркираб турган воҳа ҳувиллаб қолган.

Бироқ орадан юз йил ўтгач араб сайеҳи Ибн Батута улуғвор, барқ уриб турган Урганч шаҳрини ўз кўзи билан кўргани ҳақида ёзади.¹

Олтин Ўрда хонлиги даврида янги қалъалар, карвонсаройлар ва шаҳар атрофидаги турар-жойлар анча жадаллик билан қурилган. Хонлик ташкил топиши арафасида Хива шаҳри йирик маъмурий, ҳунармандлик ва савдо марказига айланган эди, шу боис у Хива хонлиги пойтахти бўлиб қолди. Бу пайтдаги Хивада қурилган ва бизгача етиб келган ягона иншоот шайх Саид Аловуддин мақбарасидир.

Мақбара бир-бирига мутаносиб бўлмаган икки хонадан иборат. Ғарбий томонда мурабба тарҳли гўрхонага тақаб олди пештоқли зиёратхона қурилган. Гўрхона ва зиёратхонани оддий ёғоч тўсиқ ажратиб туради. Зиёратхона гўрхонага нисбатан икки баробар кенг. Мураккаб тарҳли иккала хона томи гумбаз шаклида ишланган. Гўрхона гумбази мусамман шаклида, зиёратхона чархи гумбазли. Хоналар бурчакларида муқарнасли кунжаклар ишланган. Гўрхонадаги кошинкор сағаналар (ўлчами 2x1,2м, баландлиги 1,25м) призмасимон шаклда бўлиб, ўз ҳашамати билан ажралиб туради. Сағана поғонали асосга ишланган. Унинг кошин билан қопланган беағи XIV аср Хоразм меъморлик мактабининг ўзига хос намунасидир. Сағана қирралари тўғри бурчакли намоёнларга бўлиниб, занжира ҳошиялари тўк кўк асосга ишланган майда оқ ислими нақш билан қопланган. Гули, барги ва новдаси енгил, эркин ва ўзига хос услубда ишланган. Сағананинг ён томонида араб ёзувида Шайх Аловуддин вафот этган тарих (ҳижрий 702, милодий 1302 йил) кўрсатилган. Ҳошиядаги ёзувга асосланиб, мақбара шайхнинг издоши ва шогирди Амир Кулол (1370 йилда вафот этган) томонидан қурилган, дейиш мумкин.

Шунингдек бу мақбара тўғрисида 1960 йилларда Хивадаги меъморий ёдгорликларини таъмирлаш мақсадида Саид Аловуддин мақбарасида

¹Милославский Г. Ибн Баттута. М.,1974.

архитектор И. Ноткин томонидан археологик қазिश ишлари олиб борилди. Натижада, мақбаранинг қурилиши уч босқичда амалга оширилгани аниқланди.

1. Жумладан, археологик-меъморчилик элементлари сифатида йиғилган маълумотлар қабристонга XIV асрда асос солинганлигини кўрсатди.

2. XVIII аср охирида Қабристон олдида зиёратхона қўшиб солинган.

3. XIX асрнинг бошларида мазкур ёдгорликда таъмирлаш ишлари амалга оширилган¹.

Худди шу даврда яшаб, Хоразм ва Ҳиндистонда машҳур шоир ва файласуф деб тан олинган, асл касби-кори мўйнадўзу ўзи кураги ерга тегмаган курашчи-полвон деб номи кетган Поҳлавон Маҳмуд эл наздида Хиванинг афсонавий пирига айланган эди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси асосан XIV-асрда кичик гўрхона шаклида қурилган бўлиб унда ўз даврининг катта “Пири” - Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326 йй.) жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасига дафн қилинган. Тарихий манбаларда, мақбарага Амир Темур томонидан эшик ўрнатилгани ёзилади.

1701-1702 йилларда Хива хони Шониёзхон мақбарани янгидан қуради. Эшикдаги ёзувлардан шу нарса маълум бўладики, унда қуръон ояти, ҳадис ва шеърий тарихлар битилган: “Хаста дилларни дуоларини мустажоб қилғувчи бу нурли бино Шоҳ Ниёз хон томонидан 1702 йилда таъмирланиб қудуқ ҳам қазилган. Унинг ўзи ҳам шу жойга дафн қилинган. Ўймакор уста Нодир Муҳаммад”.

Ҳозирги мақбара Муҳаммад Раҳимхон-I (1806-1825 йй.) томонидан 1810 йилда Қўнғирот шаҳрига қилинган муваффақиятли юришдан сўнг

¹ Ноткин И.И. Новые данные о памятниках архитектуры Хивы. // ОНУ. № 5. 1962.

қурила бошлаган ва унинг ўғли Оллақулихон даврида қуриб битказилган. Оллоқулихон (1825-1842 йй.) буйруғи билан хонақо деворлари безакдор сирли кошинлар билан қопланди ва мис панжара ўрнатилган. Худди шу даврда зиёратхона ва қабрхона гумбазлари ташқи томондан зангори яшил сиркор ғиштчалар билан қопланди. Қурилиш ишларида Хивалик усталардан Мулла Нурмуҳаммад уста-Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Ниёз уста-Абдужаббор ўғли ва уста Абдулла “жин”лар ўзларининг нодир санъатларини кўрсатиб бера олишган. Катта хонақони (баландлиги 25 м.)

тепасига усталар ислимий нақшлар билан бирга, Паҳлавон Маҳмуднинг 22 та рубойларини, усталарнинг исмларини, ҳадисларни, тарихларни битганлар.

Мақбара 3 та қисмдан қабрхона, хонақо ва йўлакдан иборат. Мақбаранинг ғарбий қисмида жойлашган хонага Паҳлавон Маҳмуд дафн қилинган. Хонақони шимолий девори ёнида Муҳаммад Раҳимхон қабри жойлашган, унинг яқинига эса Хива хонлари Абулғозихон ва Анушахонларнинг қабр тошлари ўрнатилган. Йўлакда эса Оллақулихон дафн этилган.

1910-1913 йилларда мақбаранинг ғарбий қисмида Хива хони Исфандиёрхон онаси, ўзи ва ўғли учун қабрхона ва тўртта хужрадан иборат икки ошёнли қорихона бунёд қилдирган. Қурилиш ишларига уста Қурбонниёз бошчилик қилиб, қорихона қаршисига ўймақори устунли айвон қурилган.

Абдурашид ал-Бақувий XIV асрнинг иккинчи ярми-XV асрнинг бошларида шундай ёзади: «Хива теварак-атрофи чуқурликдан иборат бўлган мустаҳкам қалъадир, шу чуқур туфайли у оролга ухшаб қолган, унга фақат бир йўл билан кирилади»¹.

XIV асрга келиб яна шаҳрлар тикланган ва Кўҳна Урганч маданият марказига айланган ва шу ердан туриб «Олтин Ўрда» мадрасалари учун кадрлар тайёрланган. 1321-1336 йилларда Кўҳна Урганчда Кутлуғ Темур

минораси қурилади унинг баландлиги 62 метр асос диаметри 11 метрни ташкил қилади.

XIV асрнинг 80- йилларида Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради ва бу даврда деярли қурулиш ишлари олиб борилмаган. Хоразмнинг пойтахти Урганч шаҳрини қўлга киритгач Амир Темур бутун дунёга савдогар ва ҳунармандлари билан машҳур бўлган бу шаҳарни отда

¹Хива Минг Гумбаз Шаҳри. Тошкент., 1997.

томоша қилар экан Нажмиддин Қубро мақбараси олдида тўхтаб, бу қанақа мақбара деб сўрайди. Шунда Авлиёнинг мардлиги тўғрисида гапириб берадилар. Темур мақбара эшигининг моҳирона ва нозик дид билан ишланганлиги кўриб олдидан кетолмай қолади, сўнгра аскар бошлиғини чақириб эшикни Самарқандга олиб бориб, суюқли хотини мақбарасига ўрнатишни буюради.

Эшиклар мақбарадан олиниб Самарқандга келтиради. Лекин маълум вақт ўтгач эшиклар ўз-ўзидан йўқолади. Хизматчилар нима қилишни билмай эшикни ахтаришга тушишади, ва эшик олдинги ўзининг жойида турганлигини кўришади. Буни Амирга етказишади. Амир дарҳол айбдорни топиб жазолашни ва эшикни жойига қўйишни буюради. Иккинчи марта эшикни суюқли хотини мақбарасига ўрнатиб, Амирга хабарни етказадилар, Темур бундан хурсанд бўлади. Аммо, қаттиқ кўриклаб турилган эшиклар яна ўз-ўзидан йўқолиб қолади. Бу хабарни, кўрқанларидан сарой амалдорлари Амирга қандай етказишни билишмайди. Шунда ҳамма маъсулиятни бош вазир бўйнига олиб, эшик олдидан тахтгача бўлган жой оралиғини ёрғилаган ва шафқат сўраган ҳолда, хабарни етказди. Бундан жаҳли чиққан Темур оқсоқолларни саройга чақиришни буюради. Донишмандлар узок мулоҳаза қилишиб, охири ҳаммасидан ёши улуғи Амирим Урганчни ўзингизга тобе қилиб бутун ҳунармандларни Самарқанд ва Шаҳрисабзга олиб кетилган экан, авлиё ал-

Қубро ўзининг эшикларини олишни маъқул кўрган, шундай экан мақбара ҳам эшиксиз турмаслиги керак деб жавоб берган. Темур ўйлаб, донишмандларга розилик берди ва Урганчга яхши усталарни жўнатиб эшикдан нусха олиб Самарқандга келтириб ўрнатишни буюради. Бундан ташқари бузулган шаҳарни тиклаш ва асирга олинганларни озод этишга буйруқ беради¹.

Бу ривоятдан кўриниб турибдики, буюк Амир Темурдек шахс Хоразм усталарининг санъатини баҳолаб уларнинг бетакрор ишларига тан берган.

1.3. Сўнги ўрта асрлардан XVI асрдан XVII асргача бўлган давр.

XV аср ва XVI асрнинг бошларида Хоразм Мовароуннаҳр ва Эрон ҳукмдорларининг ноиблари қўл остида бўлди. Бу даврда Хоразм ўз эркинлиги учун Шайбонийларга қарши кураш олиб борди. XVI асрдан бошлаб Хива бир неча бор хонликнинг пойтахти деб эълон қилинди. XVI асрнинг иккинчи ярмида шаҳар бирданига икки шахзода – Пўлат Султон ва Темур Султон мулки деб ҳисобланди.

1558 йилда Хивага келган инглиз савдо компаниясининг вакили Антоний Женкинсоннинг таъқидлашича, Вазир шаҳри «кейинги етти йил мобойнида ўзаро урушлар оқибатида тўрт марта вайрон бўлди, шунинг учун ҳам бу ерда савдогарлар жуда кам, борлари ҳам ночор, шу сабабли бутун шаҳарда зўрға тўрт туп саржа сота олдим» деб ёзиб қолдирган¹.

XVI аср шаҳарсозликда шаҳар маҳаллалари ва қишлоқ марказларида, аҳоли яшаш жойлари оралиқлари ҳамда чеккаларида, карвон тўхтайдиган жойларида, муқаддас табиат ўчоқлари (бирор бир булоқ, дарахт, тош, сой сингари) ва авлиё анбиёлар саждагоҳи ёки қароргоҳлари қошида пайдо бўлган ансамбллар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ².

Шароит оғир бўлишига қарамасдан, қурилиш ишлари аста-секинлик билан амалга оширилган, бунга мисол Уч авлиё мақбарасидир.

Мақбара дастлаб очик майдонда жойлашган, кейинчалик унинг шарқ томондан Тош-ҳовли саройи қурилган, жануб томондан Муҳаммад Амин-иноқ мадрасаси, ғарбий томондан Дўст-Алам мадрасаси қурилган. Мақбаранинг ярми маданий қатламлар натижасида кўтарилган. Бош пештоқ рўпарасида кейинги даврларда қурилган айвон жойлашган, бунинг натижасида эса пештоқ олдида тор ҳовли ташкил топган. Бу мақбара учта авлиёга атаб қурилган, уларнинг аниқ исмлари ва улар ҳаёти тўғрисида

¹Хива минг гумбаз шаҳри Тошкент., 1997.

² М.Қ. Аҳмедов Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент.,1995.

ҳозиргача аниқ маълумотлар йўқ. Қабрлар олдида-ғиштин сағаналар параллел жойлатирилган, шарқдан-ғарбга қараб. Катта хонанинг 2/3 қисмини шимолдан-шарққа қараб жойлаштирилган қабрлар эгаллаган. Мақбара мурабба тарҳли битта катта хонадан иборат, хона бурчакларида муқарнасли кунжаклар ишланган. Катта хонага уч томондан кириш мумкин. Шимолий кириш қисми чуқур қилиб, олдида чиқиб қурилган.

Мақбаранинг кириш эшигидаги ёзувлар ёғочга ўйиб ишлайдиган усталарнинг номини зикр этади: Абдулло ибн Саийд, Аҳмад Самарқандийнинг ўғли Асад Ҳусайн. Шу ерда сана ҳам келтирилган: 969 ҳижрий, 1549 мелодий.

XVII аср бошларида Араб Муҳаммад даврида(1602-1623йй.) Хоразмда нисбатан сиёсий барқарорлик ўрнатилгач, Хива ҳақиқатдан ҳам пойтахт шаҳрига айланди. Қурилиш ишлари бир мунча кенгайди, маҳобатли Араб Муҳаммад мадрасаси (1617 й.) бир ошиёнли, оддий синчли қилиб қурилган.

Араб Муҳаммад мадрасаси.

Оллоқулихон даврида (1838йй.) мадраса биноси мурабба тарҳли, пештоқ ва гумбазли қилиб қайта қурилган. Бош тарзидаги масжид ва ҳужралар икки ошиёнли, икки бурчагида бурж-гулдасталари бор. Қолган

томонларидаги хужралар бир қаватли. Ҳовли этагида айвон-масжид қурилган.

Шу жойда Хиванинг давлат пойтахтига айланган аниқ бир санаси йўқлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Атоқли олим Я.Ғ. Ғуломов «1556 йил Бугчахоннинг ўғли Дўст Муҳаммад Хивани ўз пойтахтига айлантиради», - деб ёзади¹.

Аммо олимлар орасида Хиванинг расмий равишда пойтахт сифатида эълон қилинган санаси ҳақида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Ҳар ҳолда Яҳё Ғуломов манбалар асосида билдирган фикри бошқа мулоҳазалардан ишончлироқ кўринади. XX асрнинг 60-йилларида Хиванинг меъморий ёдгорликларида тадқиқот ишлари олиб борган архитектор-олимлар Л.Ю.Маньковская ва В.А.Булатовалар Хиванинг пойтахт бўлган вақтини Асфандиёрхон (1623-1642 йй.) ва Абулғози Баҳодирхон (1642-1663 йй.) ҳукмронлик давлари билан боғлайдилар².

Араб Муҳаммаднинг ўғли Абулғозий Баҳодурхон ўз даврининг етук маърифат эгаси бўлган, «Шажарайи турк» асарининг муаллифи бўлган давлат арбоби ўз ҳукмронлиги йилларида Хива хонлигидаги вазиятни ҳаққоний баён этган.

Анушахон даврида (1664-1687 йй.) Хивада қурилиш ишлари авж олди, Анушахон номи билан аталувчи ҳаммом барпо этилди, Шоҳобод ва Ёрмиш ариқлари қазилди.

Ҳаммом биноси тузилиши жиҳатдан шу куннинг ҳаммомларига ўхшаб кетади. Бинога Оқмасжид яқинидаги гумбазли кичик хонадан кирилади. Иссиқни яхши сақлаш учун ҳаммомнинг хоналари ер остига ишланган

¹Ғулямов Я.Ғ. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент.,1976.

²Агзамова Г.А. Города и городская жизнь в Узбекистане в XVI. перв. полов. XIX веков.Ташкент., 2000.

бўлиб, ташқаридан фақат гумбазлар кўриниб туради. Ҳаммомда даҳлиз, кийимхона, совуқхона, иссиқхона, иссиқ сув турадиган ҳовузча, гўлох мавжуд. Сув тарновлардан катта ёмға йиғилади. Ўтхонанинг дудлари

махсус йўллар орқали ҳаммом хоналари остидан ўтиб иситади ва дудбурон орқали ташқарига чиқиб кетади. Иссиқ сувли ҳовуз атрофидаги тўртта хона девордаги туйнуклар орқали сув билан таъминланарди. Чуқур хоналар сахни шундай йўналишда жойлашганки, мағзавалар энг чуқурликдаги хона орқали махсус ўраларга оқиб тушади. Бино ичкараси ғиштин гумбазлар тепасидаги туйнук дарчалар орқали ёритилган. Хоналарда безак йўқ. Девор ва гумбаз сатҳи сувга чидамли қоришма билан сувалган. Хоналар кичик бўлгани учун усталар оддий тузилишдаги гумбазларни қўлланишган.

XVII аср ўрталарида Ичан қалъанинг шарқий қисмидаги гузарда Оқ масжид қурилган. Бино симметрик мужассамотда, уч томони айвонли, баланд асос – супа устига барпо қилинган. Археологик тадқиқотлар натижасида бино пойдевори 4 метргача кетгани аниқланди. Бундай пойдевор бинонинг мустаҳкамлиги, зилзилага бардошлигини таъминлайди. Мурабба тарҳли хонақоҳ бағаллари қолипкори услубида ишланган, томи чархи гумбаз билан қопланган. Жанубий деворида меҳроб ишланган. Айвон қатор ёғоч устунлар билан безатилган. Ҳовли сахнида кўриниб турадиган бу устунлар масжидга салобат бахш этиб турибди. Хонақоҳ тўрт томондан тободон орқали ёритилган. Тободонларга ганчкори панжаралар ўрнатилган. Масжид тарзи ва ички қисми ганч билан сувалган. Гул ўйиб ишланган ёғоч эшикларида усталарнинг номи – уста Нурмуҳаммад, уста Қаландар деган сўзлар ва икки сана (1838-1842 йй.) ёзилган. Бу саналар таъмир ёки эшик ўрнатилган йилини кўрсатилган бўлиши мумкин.

1688 йилда Хужамбердибий мадрасаси шарқий шаҳар дарвозаси яқинида қурилган бўлиб, кичик ҳовли атрофида жойлашган 10-12 хужра ва масжиддан иборат бўлган. Оллоқулихон мадрасаси қурилиши билан Хужамбердибий мадрасаси хужраларининг эски гумбазлари бузиб ташланган, пасткам деворлар тупроқ билан қўмилиши натижасида ҳовли

сахни иккига бўлиниб қолган. Шунинг учун ҳам кейинроқ мадраса «Хуржун» номи билан аталадиган бўлди.

Бу иморатлар сўнги ўрта асрларда қурилиб, бизгача ёдгорлик сифатида етиб келган.

I-боб бўйича хулоса

Юқорида айтиб ўтилган Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши милоддан аввалги VIII асрларга тўғри келади. Шаҳарларнинг энг ривожланган давлари Кушонлар даври (I-IV асрлар), Хоразмшоҳлар даври (X-XII асрлар бошлари), тўғри келган. Салоҳиятли шаҳарлар мисоли тариқасида Кушонлар даврида Тупроққалъани, Хоразмшоҳлар даврида Кўҳна Урганч шаҳарларини олишимиз мумкин.

Шаҳарларнинг ўзига хосликларини белгиловчи омиллар қаторида Хоразмда энг кучли омил иқлим омили бўлган. Теваракдаги саҳролар яшаш учун яроқли ердан ва сувдан ниҳоятда тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этган. Бу шаҳарларни нисбатан кичик, ичидаги қурилмаларнинг зич бўлишига олиб келган. Очiq сув ҳавзалари, ҳовузларга қараганда қудуқлар кенгроқ тарқалган.

Йирик шаҳарлар атрофида кичик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, сув танқислиги натижасида сувсиз қолган шаҳарлар аҳолисининг янги шаҳарларга кўчирилиши ва шу шаҳарларни сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш алоҳида диққатга сазовордир.

Шаҳарларда муҳофазага алоҳида эътибор қаратилган. Қалъалар бир қатор қўрғон девор билан чекланмасдан, икки-уч қатор қўрғон деворлар қилинган, яъни Дишан қалъа ва Ичан қалъалар. Бу Хоразм шаҳарсозлигининг Ўзбекистондаги бошқа тарихий шаҳарлардан фарқли ўзига хос жиҳатларидан бири десак бўлади. Шаҳарларнинг асосий киравериш дарвозаси олдида кўллар қилиниши ёки шаҳар бутунлай сув ҳавзаси билан ўраб олинганлиги яна бир ўзига хос жиҳатдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Асарлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. -Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Абулғози Шажарайи турк.-Т.: 1992.
5. Абдурасулов А. Хива.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Абдурахмонов А. Ал-Хоразмий буюк математик.-Тошкент.:1983.
7. Абдуллаев К. Нақшларга битилган умр.-Т.: 1995.
8. Абу Райхон Беруний. Избранные произведения. Т.1.- Т.: 1957.
9. Агзамова Г.А. Хиванинг хонлик пойтахтига айланиши ва ривожланишига оид маълумотлар (XVI-XIX аср биринчи ярми). // ОНУ. - 1997.
10. Анарбаев А. Благоустройство городов Средней Азии.-Т.: Фан, 1981.
11. Армарчук Е.А. Изучение памятников Куня Ургенча: старые и новые гипотезы. //Приаралье в древности и средневековье.-М.: 1998.
12. Ат-Табарий. Тарих.-Т.: Фан, 1987.
13. Аскарлов Ш.Д. Регион-пространство-город.- М.: 1988
14. Аҳмедов М.Қ., Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.:1995.
15. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. - Т.: 1991.
16. Аҳмедов Б.А. Новые сведения о Хиве. // ОНУ.-1982.
17. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. Письменные источники.-Т.: Фан, 1985.
18. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения.-М.: Наука 1963.
19. Бартольд В.В. Работы по исторической географии.-М.: Наука, 1965.

20. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии.-Л.: Наука, 1973.
21. Бобожанов А. Ёкут ал-Хамавий «Муджам ал-булдан» асарида Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар.-Т.: 1999.
22. Булатова М.С. Арочно-сводчатые формы в зодчестве средневекового Самарканда.-Т.: 1972.
23. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий.-Т.:Камалак, 1991.
24. Булатова В.А., Ноткин И.И. Хиванинг архитектура ёдгорликлари.-Т.: 1963.
25. Бунин А.В., Саваренская Т.Ф. История градостроительного искусства.- М.: 1971.
26. Бутаков А.И. Несколько страниц из истории Хивы. // ТВ.: №28. 1871.
27. Вактурская Н.Н., Воробьева М.Г. Хроника работ Хорезмской экспедиции Академии наук СССР. Библиография.-М.: 1958.
28. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.-М.: 1867.
29. Вамбери А. Очерки о Средней Азии.-М.: 1868.
30. Воронина В.Л. Строительная техника древнего Хорезма.-М.: 1952.
31. Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы.-Т.: 1941.
32. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней.-Т.: Фан, 1957.
33. Давлатёр Р, Шихназар М. Феруз-шоҳ ва шоир қисмати.-Т.: Ғ.Ғулом, 1991.
34. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. // Записки Русского географического общества. СПб.: 1851.
35. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг.-М.: 1938.
36. Жаббаров И. Антик маданияти ва маънавият хазинаси.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
37. Жуманиёзов Р. Қадимий Хоразм тарихи.-Урганч: Хоразм, 1993.

38. Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати.-Т.: 1978.
39. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами.- Т.: 1996.
40. Зоҳидов П.Ш. О школах зодчества Узбекистана (XIX-начало XX вв.). Искусство зодчих Узбекистана.- 1969.: вып. IV.
41. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. - М.: Академия архитектуры СССР, 1948.
42. Ибрагимов Н. Ибн Батута и его путешествие по Средней Азии.-М.: Наука, 1988.
43. Ипак йўли афсоналари.-Т.: Фан, 1993.
44. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. //Под. редакцией академика И.М.Муминова.-Т.: Фан, 1976.
45. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в.- Л.: 1940.
46. Кривцов Г. Виды и типы Хивинского ханства 1873 года. // Альбом. СПб.: 1873.
47. Кудрявцев Т.Н., Кудрявцев М.П. Опыт проведения предпроектных исследований исторически ценных городов: Обзор. - М.: 1974.
48. Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Амударьи; материалы для статистика Туркестанского края. Т.4. СПб.: 1876.
49. Кун А.Л. Заметки о хивинском ханстве. // ТВ.: №46, 1873
50. Калмыков А. Хива. Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Т.: 1910.
51. Кличев Т. Кўҳна қалъалар диёри.-Т.: Ўқитувчи, 1999.
52. Лебедова Т.И., Ширинов Т.Ш. Антисейсмическое строительство в Средней Азии в античности и раннем средневековье. // ИМКУ. – 1997.
53. Лерх П.И. Вопросы предлагаемые Императорским географическим обществом при исследовании Хивинского ханства и определенных с ним степей в географическом, этнографическом, культурно историческом и экономическом отношениях. // Известия Русского географического общества. СПб.:1873.

54. Лавров В.А. Развитие планировочной структуры исторически сложившихся городов. - М.: 1977.
55. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. -М.: 1950.
56. Мамбетуллаев М. Разрез крепостной стены Ичан калы. // Вестник КК ФАН УзССР,1989.
57. Мамбетуллаев М. Раскопки оборонительных сооружений Хивы. // Вестник КК ФАН УзССР, 1992.
58. Мамбетуллаев М, Юсупов Н, Хожаниязов Г, Матрасулов Ш. Хива по итогам исследования 1984 г. // Вестник КК ФАН УзССР,1985.
59. Мамбетуллаев М, Матрасулов Ш. Изучение статиграфии г. Хивы. // Вестник КК ФАН УзССР.:1988.
60. Мамбетуллаев М., Абдиримов Р. Основные этапы развития города Хивы. // ОНУ.:1997.
61. Манылов Ю.П. Городище Кят. // ОНУ.:1973.
62. Маньковская Л.Ю, Булатова В.А. Памятники зодчества Хорезма.-Т.: 1978.
63. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчеста Средней Азии. - Т.: 1980.
64. Масальский Э.А. Хива и ее архитектурные памятники. // Новый Восток. -М.: 1926.
65. Матниёзов М.С, Сотликов А. Хоразм жаҳон тарихи ва маданиятида.- Ургенч.: 1999.
66. Матниёзов М. Хоразм тарихи.-Урганч.: 1996.
67. Махмудов М.М. Страницы из истории Хорезма.-Ургенч.: 1998.
68. Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и в Хиву в 1819-1820 гг.- М.: 1822.
69. Милославский Г. Ибн Батута.-М.:1974.
70. Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. // Культура и искусство древнего Хорезма.-М.: 1981.

71. Нильсен В.А. Архитектура Средней Азии V–VIII вв.-Т.: Фан, 1966.
72. Ноткин И.И. Архитектурно - пространственное формообразование исторически сложившихся городов Узбекистана. // Дисс...доктор архитектуры. - Т.: 1980.
73. Ноткин И.И. Тошховли.-Т.: 1968.
74. Ноткин И.И. Минареты Хивы.- Т.: 1978.
75. Пулатов Х.Ш. Чаршии и базары. - Средняя Азия и мировая цивилизация. // Тезисы докладов (Институт искусствознания им. Хамзы).- Т.: 1992.
76. Пулатов Х.Ш. Некоторые аспекты градостроительной преемственности Ташкента. // САУ. №4. 1982.
77. Пулатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи.- ТАҚИ.: 2000.
78. Пулатов Х.Ш. Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи марказий осиё архитектураси тарихи.-Т.: 2008.
79. Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма.-М.: Наука, 1958.
80. Пугаченкова Г.А. Материалы к истории Хорезмского зодчества. // МХЭ. М.: Наука, 1963.
81. Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана.-Т.: Художественная литература, 1958.
82. Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века.-М.: Искусство, 1965.
83. Путешествие Базинера через Киргизскую степь в Хиву. // ИРГО. Под. ред.: В.В. Григорьева. – СПб.:1849.

84. Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг худудий-тарҳий тизими.//Ж. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Самарқанд, 2003. №3-4.
85. Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларини XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий – тарҳий тизими.-Т.: 2005.
86. Салимбаев А. Городище Кат в Шаватском районе Хорезмского обл. - Т.: 1987.
87. Салимов О.М. Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича услубий қўлланма. -Т.:2003.
88. Салимов О.М. Основы принципы организации охранных зон памятников архитектуры и градостроительства. –Т.:1994.
89. Самандар Э. Минг отлиқлар диёри. -Т.: 2001.
90. Содиқов А. Россия и Хива в конце XIX и в начале XX век. - Т.: 1927.
91. Саваленская Т.Ф. История градостроительного искусства.- М.: 1984.
92. Соболев Л. Обзор доступов к Хивинскому ханству. // Ж. Военный сборник №5.- СПб.: 1873
93. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.- Т.: 1964.
94. Хусанбаев Б.М, Тулаганов Л.А, Разина В.Г. Дорогами великого шелкового пути.-Т.:1996.
95. Хива– очик осмон остидаги музей.-Т.: 1982.
96. Хива– минг гумбаз шаҳри.-Т.: 1997.
97. Ханыков Я.В. Поездки из Орека в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах Гладишевым и Муравиным.- СПб.: 1851.
98. Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан.-Т.: 1965.
99. Хива – шарқ гавҳари. Журнал. 2001.
- 100.Худайберганов К. Ёзувларга яширинган тарих. Хива.:1996.
- 101.Эшжонова Ш. Огаҳий туғилган қишлоқ.- Урганч.: 1999.

102. Ўролов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш.- Самарқанд.: 2003.
103. Қодирова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана.-М.:1987.
104. Қодирова Т.Ф. Архитектура Узбекистана в годы независимости.- Т.:2008.
105. Ғуломов Я. Археология тарих фани хизматида.-Т.: 1976.
106. Қурбонбоев Р. Беруний авлодлари.- Нукус: 1998.
107. Ғуломов Я.Ғ.Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.: 1959.

ҚИСҚАРТМАЛАР

ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана.

ИРГО – История Российского географического общества.

ОНУ – Общественные науки в Узбекистане.

САУ - Строительство и архитектура Узбекистана.

ТАҚИ - Тошкент архитектура-қурилиш институти.